

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ОЗОДЛИКНИ ЧЕКЛАШ ЖИНОЙИ
ЖАЗОСИГА ҲУҚМ ЭТИЛГАН ШАХСЛАРГА НИСБАТАН ИЖТИМОЙИ
РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ**

Ўрақов Жасур Рустамалиевич

*Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси
фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор.*

Омонжонов Камронмирзо Ғайратжон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси 3-босқич курсанти.

Аннотация: *Ушбу мақолада озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва улар билан ишлаш чора-тадбирлари келдирилган.*

Калит сўзлар: *ҳуқуқбузарлик, профилактика, ижтимоий реабилитация, ҳамкорлик, профилактика инспектори.*

Annotation: *This article presents measures for the social rehabilitation and work with persons released from places of deprivation of liberty.*

Key words: *offense, prevention, social rehabilitation, cooperation, prevention inspector.*

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир.

Озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш марказлари, ички ишлар органлари таянч пунктлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, бандликка кўмаклашиш марказлари билан яқин ҳамкорликда ишлаш бўйича намунавий пробация бўлинмалари ташкил етилади.

Пробация бўлинмалари ходимлари фаолияти устидан техник назоратни амалга ошириш бўйича видеокузатув воситалари (видеокузатув хонаси), ортиқча қоғозбозликларга барҳам бериш ва электрон иш юритиш амалиётини йўлга қўйиш мақсадида планшетлар, пробация назорати остидаги шахсларнинг хулқ-атвори, ҳаракатлари ва алкоголь маҳсулотини истеъмол қилмаслигини электрон назорат қилиш бўйича замонавий техник воситалар яъни, электрон браслетлар синовдан ўтказилади.

Бу йўналишда Ўзбекистонда 2009 йилдан буён фаолият юритиб келаётган Бирлашган Араб Амирликларининг “ТИТАН ГРОУП ФЗЕ” компанияси ўзининг инвестицион лойиҳасини тақдим етди. Лойиҳага кўра, компания зарурий техник учқуналар, сервер ва видеокузатув воситаларини ўз ҳисобидан ўрнатиб, дастлаб 2020 йилнинг апрель ойида электрон браслетларни синовдан ўтказиш бўйича тест жараёнларини амалга оширади. Лойиҳа учун компания томонидан

ажратилган маблағлар электрон браслетлар билан таъминланган назорат остидаги шахсларнинг иш ҳақи ҳисобидан ҳар ойда абонент тўлови тарзида қопланади.

Бундан ташқари, пробация фаолияти устидан жамоат назорати механизмлари кучайтирилади. Тизим ходимларининг хизмат фаолияти натижаларини баҳолаш мезонлари ва рейтинг тизими жорий этилади.

Мухтасар қилиб айтганда, назорат остидагиларнинг қайта жиноят содир этиши хавфини аниқлаш ва бунга йўл қўймаслик юзасидан профилактик тизим жорий этилди. Уларнинг қатъий тузалиш йўлига ўтишини ва жамиятнинг тўлақонли аъзосига айланишини таъминлаш мақсадида маҳкумларнинг ижтимоий мослашиши, касб-ҳунар ўрганиши ва ишга жойлашишига кўмаклашишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади.

Пробация хизмати синов муддати давомида назорат остида турган шахсга юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини, унинг хулқ-атвори устидан таъсирчан назоратни олиб боради, қайта жиноят содир этиш хавфини аниқлаб бунга йўл қўймаслик бўйича профилактик чораларни амалга оширади. Бу еса шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялаш имконини беради.

Пробация бўлинмалари ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли назорат остидаги биргина шахс тузалиш йўлига ўца, бир неча жиноятларнинг олди олиниши, ишга жойлашиб, жамиятда ўз ўрнига ега бўлишга интилса, у яшаётган оиланинг турмуш фаровонлиги таъминланади.

Шундай экан, жамиятимизда шахсни тарбиялаш орқали соғлом муҳит яратиш вазифаси, наинки ички ишлар органлари пробация бўлинмаларининг, балки кенг жамоатчилик, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг бурчи эканини унутмаслик лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон Фармонида асосан пробация назоратидаги шахсларни масофадан туриб назорат қилишни таъминловчи замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини татбиқ етган ҳолда пробация хизмати фаолияти рақамлаштирилади. Хусусан:

- пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини реал вақт режимида кузатиш учун электрон браслетдан фойдаланиш амалиёти жорий этилади.

- электрон браслетларни ҳамда маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш учун сервер ва ушбу тизимга алоқадор қурилмаларни харид қилинади.

- мониторинг қилишнинг замонавий мобиль технологияларини татбиқ этилади, махсус дастурий таъминотни ишлаб чиқилади

- пробация назоратидаги шахсларни умумий назорат қилиш учун ички ишлар вазирлиги пробация хизматида ягона электрон мониторинг (мониторинг марказини) ташкил этилади.

Хулоса

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, профилактика инспекторларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм этилган шахслар

билан ишлаш фаолиятини бажаришда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси муҳим аҳамият касб этиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамиятнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга хизмат қилади ва ўз навбатида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи субъектлардан катта маъсулият талаб этади.

Шуни таълидлаб ўтиш жоизки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини асосий субъеклари сифатида эътироф этиладиган ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг ҳудудлардаги фаолиятини самарали ташкил этилишининг омили ҳисобланади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўрақов Ж. Р. и др. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ //INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2024. – 2025. – Т. 4. – №. 40. – С. 48-51.

2. Вахрамович В. А. et al. PROFILAKTIKA INSPEKTORINING JAMOAT TARTIBIGA TAJOVUZ QILUVCHI HUQUQBUZARLIKLARNI OLDINI OLISHDA HAMKORLIGI //INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM. – 2025. – Т. 6. – №. 52. – С. 304-307.

3. Rustamaliyevich, O'raqov Jasur. "MAHALLALARNI KRIMINOGEN VAZIYATIDAN KELIB CHIQQAN HOLDA TOIFALANISHINING TARTIBI VA UNING HUQUBUZARLIKLARNI OLDINI OLISHDAGI AHAMIYATI." INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM 6.52 (2025): 299-303.

4. Rustamaliyevich, O'raqov Jasur. "PROFILAKTIKA INSPEKTORINING PROBATSIIYA XIZMATI BILAN HAMKORLIGI." INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM 6.52 (2025): 308-312.

5. Ўрақов Ж. Р. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишнинг муаммолари //Journal of new century innovations. – 2023. – Т. 21. – №. 4. – С. 44-50.